

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.17.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУРБАНИЯЗОВА ФЕРУЗА ЗАФАРЖОНОВНА

**"ЮПҚА" ЭНДОМЕТРИЙ МАВЖУД БЎЛГАН АЁЛЛАРНИ
ҲОМИЛАДОРЛИККА ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Курбаниязова Феруза Зафаржоновна

"Юпқа" эндометрий мавжуд

бўлган аёлларни ҳомиладорликка тайёрлашни

такомиллаштириш..... 3

Курбаниязова Феруза Зафаржоновна

Оптимизация прегравидарной

подготовки женщин с “тонким”

эндометрием..... 23

Kurbaniyazova Feruza Zafarjonovna

Improving preparation for

pregnancy in women with a thin

endometrium..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.17.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУРБАНИЯЗОВА ФЕРУЗА ЗАФАРЖОНОВНА

**"ЮПҚА" ЭНДОМЕТРИЙ МАВЖУД БЎЛГАН АЁЛЛАРНИ
ҲОМИЛАДОРЛИККА ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.PhDTib4386 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.sammu.uz) ва «ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Худоярова Дилдора Рахимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаева Логия Мирзатуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Негматова Гулзода Шухратовна
тиббиёт фанлари фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси «___» _____ 2026 йил соат ____ да СамДТУ ихтисослаштирилган болалар хирургияси клиникаси конференц-залида Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.17.01 1 рақамли Илмий кенгаш мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, М. Улуғбек кўчаси, 70А-уй. Тел/факс: (366)-233-58-92, 233-79-03 e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй Тел./факс: +99866-233-30-34

Диссертация автореферати 2026 йил «___» _____ кунни таркатилди.

(2026 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.М. Шамсиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.З. Шодикулова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Д.О. Атакулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Сўнгги йилларда бепуштлиқ муаммоси гинекологиянинг энг долзарб масалаларидан бири сифатида эътиборни тортиб келмоқда. Репродуктив функцияси бузилган аёлларда бачадон омиллари билан боғлиқ бепуштлиқ улуши 24–62% ни ташкил этади. Бепуштлиқни даволашда энг жиддий ва ҳанузгача тўлиқ ҳал этилмаган муаммо бу имплантация жараёнининг бузилиши ҳисобланади. Эндометрийдаги турли структуравий, функционал иммунологик ва яллиғланишга оид ўзгаришлар ҳам репродуктив фаолиятнинг издан чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шу билан бирга, эндометрийнинг яллиғланиш сабабли юпқалашиши ҳам имплантациянинг муваффақиятсизлигига олиб келади.¹ Шу боисдан, "Юпқа" эндометрий мавжуд бўлган аёлларда патологияни ташхислаш ва даволашнинг комплекс усуллари самарадорлигини ўрганиш, репродуктив фаолиятни тиклаш ва ушбу гуруҳдаги аёлларни олиб боришни такомиллаштириш, энг макбул даво муолажаларни танлаш, касалликнинг асоратларини олдини олиш гинекологияда ечими топилиши зарур бўлган муаммолардан бири ҳисобланади.

Дунё миқёсида бачадонда қон айланишининг бузилиши ва эндометрий ҳолатидаги ўзгаришларни дори воситалари ёрдамида тузатиш қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада репродуктив фаолияти бузилган аёлларда эндометрийни прегравидар тайёргарлик жараёнида физиотерапевтик даволаш усуллари қўллаш бачадон гемодинамикасига, регенерация ва рецепция жараёнларига ижобий таъсир кўрсатади, натижада ҳомиладорликнинг юзага келиш ва уни сақлаб қолиш эҳтимоли ошади, ҳамда . бундай патологияга эга аёлларни олиб бориш алгоритмини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш, даволашни клиник самарадорлигини баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида репродуктив ёшдаги аёлларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифати ва кўламини тубдан яхшилаш ҳамда кенгайтириш бўйича кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, хусусан, бачадон касалликлари натижасида репродуктив фаолиятнинг бузилишига олиб келувчи аёлларни ташхислаш ва даволаш усуллари такомиллаштириш йўналишида. Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий ёрдам сифати ҳамда самарадорлигини тубдан яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан “тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва аҳоли учун унинг етиб бориш даражасини ошириш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, юқори технологияли ташхислаш ва даволаш ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари жорий

¹ Джумаева Ф.Ф., Зарипова Д.Я. Тонкий эндометрий: Современные подходы к диагностике, лечению и влиянию на репродуктивные исходы//Журнал гуманитарных и естественных наук. -2025.-№21.-С.300-303

этиш”² каби бир қатор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, “Юпқа” эндометрий билан боғлиқ бепуштликка олиб келувчи асосий ҳавф омилларини аниқлаш, ушбу аёлларда яллиғланиш олди цитокинлар миқдорини ва қин микробиотасининг ҳолатини баҳолаш, бачадон қон томирлари рганиш, “юпқа” эндометрийли аёлларда прегравидар тайёргарлик алгоритминини ишлаб чиқиш орқали аёлларни ҳаёт сифатини ошириш ва репродуктив фаолиятни тиклаш имконини беради.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фармон ва қарорларида баён этилган № ПФ-60 2022 йил 28 январдан - «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида», № ПФ-5590 2018 йил 7 декабрдан - «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», № ПК-5199 2021 йил 29 июлдан - «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», № ПК-402 2024 йил 22 ноябрдан - «Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», № ПК-4891 2020 йил 12 ноябрдан - «Тиббий профилактика ишларининг самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» мақсадларни амалга оширишга хизмат қилади, шунингдек, мазкур соҳа бўйича қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ҳам хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларидан бири “Тиббиёт ва фармакология” йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёрдамчи репродуктив технологияларни (ЁРТ) ишлаб чиқиш, жорий этиш ва доимий такомиллаштириш аниқ мақсадга қаратилган - тирик туғилиш ҳолатлари сонини ошириш. Ҳомиладорлик юзага келишининг зарурий шартлари - сифатли эмбрион мавжуд бўлиши, эндометрийнинг етарли қалинлиги ва рецептивлиги, шунингдек, “имплантация ойнаси” даврида уларнинг муваффақиятли ўзаро таъсири ҳисобланади. Шу билан бирга, ЁРТнинг ривожланиши ва такомиллашувига қарамасдан, бачадон омили билан боғлиқ бепуштликни даволаш муаммоси ҳанузгача ҳал этилмаган масала бўлиб қолмоқда (Collado M.C., Isolauri E. 2021).

Сўнгги йилларда аниқланишича, бачадон томирлари гемодинамикаси эмбрион имплантацияси учун зарур бўлган тузилмавий ва функционал жиҳатдан оптимал эндометрий шаклланиши учун муҳим шарт ҳисобланади. Адабиётларда бачадон томирлари гемодинамикасининг бузилиш даражаси билан М-эхо юпқалашиши даражаси ўртасидаги боғлиқликни акс эттирувчи

² Ўзбекистон Республикаси ПК-5199 2021 йил 29 июлдан «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида www.lex.uz.

ишлар келтирилган. Шунингдек, бачадон томирлари гемодинамикаси параметрларининг ҳомиладорлик юзага келишини башорат қилишдаги предиктив аҳамияти ЁРТ дастурларидаги беморларда кўрсатиб берилган (Эфендиева Э.Н., 2021). Айрим тадқиқотчилар эса “юпка” эндометрийни ЁРТ дастурларида мустақил салбий прогностик омил сифатида, шунингдек, эндометрий қалинлиги оптимал қийматга етгач, эмбрионларни бачадон бўшлиғига ўтказиш мақсадида криоконсервация учун кўрсатма сифатида қарашни таклиф қилганлар (Жинчарадзе Л.Г., 2021).

Мамлакатимизда “юпка” эндометрийли аёлларни ташхислаш ва даволашга бағишланган илмий ишлар мавжуд (Жумаева Ф.Ф., Зарипова Д.Я., 2025). Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда эндометрий гипоплазияси натижасида юзага келувчи бепуштликни олдини олиш ҳамда унинг комплекс ташхислаш ва даволаш тактикаси замонавий гинекология ва репродуктологиянинг долзарб ва ҳанузгача тўлиқ ечим топмаган муаммоларидан бири ҳисобланади (Фазилова М.О., Султонов С.Н., 2022). Юпка эндометрий билан боғлиқ бепуштлик ва ҳомила тута олмаслик ҳолатларининг юқори фоизи, шунингдек, ёнидаги биоценоз ҳолатини ҳисобга олган ҳолда оптимал комплекс даволаш усулининг йўқлиги ушбу йўналишдаги тадқиқотларнинг долзарблигини янада оширади.

Юқорида келтирилган маълумотлар ушбу патологияни башорат қилиш, ташхислаш ва даволашнинг оптимал усуллари ишлаб чиқиш ҳамда уларни гинекологик амалиётга жорий этиш зарурлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертацион тадқиқот Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режалари доирасида, № 012400286 рақамли мавзу “Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида янги технологияларни ишлаб чиқиш” (2023–2025-йиллар) асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади “юпка” эндометрий билан боғлиқ бепуштлиги бор аёлларда прегравидар тайёргарликни тромбоцитларга бойитилган аутоплазма ва магнитотерапия қўллаш орқали оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“Юпка” эндометрий билан боғлиқ бепуштликка олиб келувчи асосий хавф омилларини ўрганиш;

“Юпка” эндометрий сабабли юзага келган бепуштлиги бўлган аёлларда яллиғланиш цитокинларидан, IL-6 даражасини ўрганиш ва “Фемофлор-16” тест тизими орқали кин биотасининг ҳолатини баҳолаш;

бачадон томирларининг УТ доплер хариталаш усули ёрдамида бачадон қон томирларидаги доплер кўрсаткичларини “юпка” эндометрийли аёлларда, даволаш самарадорлигини баҳолаш учун даволашдан олдин ва кейин динамикада ўрганиш;

тромбоцитларга бойитилган аутоплазмани (Platelet Rich Plasma - PRP) бачадон бўшлиғига инстиляция қилиш ва BTL-4000 аппарати ёрдамида магнитотерапияни бирга қўллаш самарадорлигини баҳолаш;

ташхис ва даволашнинг комплекс усуллари самарадорлигини ўрганиш асосида “юпқа” эндометрийли аёлларда прегравидар тайёргарлик алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникасига (бош врач проф. Абдуллаева Н.Н.) 2023–2025-йиллар мурожаат қилган репродуктив давридаги 115 нафар аёллар олинган. Ушбу тадқиқот Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 1 сон акушерлик ва гинекология кафедра базасида (кафедра мудири: проф. Д.Р. Худоярова) бажарилган.

Тадқиқотнинг предмети умумий клиник, лаборатор, иммунологик, гормонал тадқиқот усуллари учун зарур бўлган беморларнинг веноз қони ва унинг зардобии, ҳамда қиндан олинган суртма микробиота ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, лаборатор иммунологик (ПЦР, Фемофлор-16), гормонал, инструментал (УТТ, УТ доплер хариталаш, гистероскопия) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Юпқа” эндометрий ривожланишининг энг муҳим клиник хавф омиллари ортиқча тана вазни (44,0%), қалқонсимон без касалликлари (26,7%), гипоменструал синдром (65,3%), кичик чанок аъзоларининг яллиғланиш касалликлари (53,3%), тухумдон кисталари (17%) эканлиги аниқланган;

“Юпқа” эндометрий бўлган аёлларда “Фемофлор-16” тест тизими ёрдамида бепуштлиқ сабаби урогенитал тракт нормобиотаси ва дисбаланс мезонлари текширилган ва асосий гуруҳ аёлларининг 55,5% да ва назорат гуруҳи аёлларининг 7,5% да бактериял вагиноз қайд этилганлиги аниқланган ($p<0,001$);

“Юпқа” эндометрий бўлган аёлларда бачадон қон томирларини ультратовушли доплер хариталашда RI, PI ва S/D кўрсаткичлари ва бачадон эндометрий қаватининг қалинлиги ўртасида тескари корреляцион боғлиқлик аниқланган ($r=-0,52; -0,50; -0,53; p<0,05$) ва бу кўрсаткичлардан даволашнинг самарадорлигини баҳолаш учун қўллаш зарурлиги асосланган;

оптималлаштирилган прегравидар тайёргарлик натижасида эндометрий қалинлиги ўртача 11,1 ммгача етган, таққослаш гуруҳида эса бу кўрсаткич 9,05 мм ни ташкил этган ($p<0,001$) ва асосий гуруҳда репродуктив курсаткичлар 1,8 баробар яхшиланганлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ПЦР усулидаги “Фемофлор-16” тест тизими ёрдамида “юпқа” эндометрийли аёлларда урогенитал тракт нормобиотаси ва дисбаланс мезонлари аниқланган; .

“юпқа” эндометрийли аёлларда бачадон томирларининг ультратовушли доплер хариталаш мезонлари ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди;

“юпқа” эндометрийли аёллар учун оптималлаштирилган прегравидар тайёргарлик протоколи ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди;

“юпқа” эндометрий бўлган аёлларда тромбоцитларга бойитилган аутоплазмани бачадон бўшлиғига инстиляция қилиш билан бирга магнитотерапияни қўллаш усули амалиётга тадбиқ этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувлар, усуллар ва олиб борилган кузатувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли даражада танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатор, инструментал, функционал, гормонал ва статистик тадқиқот усуллари асосида “Юпқа” эндометрий бўлган беморларда патологияни эрта ташхислаш ва прогнозлашга қаратилган чора тадбирларнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “юпқа” эндометрий ривожланиш хавф омилларини верификация қилиш, уrogenитал тракт нормобиотаси ва дисбаланс ҳолатини баҳолаш, бачадон қон томирларини ультратовушли доплер хариталаш, комплекс даволаш усулини қўллаш орқали прегравидар тайёргарликни такомиллаштириш натижасида “юпқа” эндометрий бўлган аёлларда репродуктив фаолиятни тикланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган “юпқа” эндометрийли аёлларни олиб бориш алгоритми нафақат асосий патологияни ташхислаш ва даволашга, балки аёлларнинг репродуктив фаолияти ҳамда ҳаёт сифатини яхшилаши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бепуштлик сабаби “юпқа” эндометрий бўлган аёлларни комплекс прегравидар тайёрлашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар Самарқанд давлат тиббиёт университети Илмий кенгашининг 2025-йил 29 майдаги 10-сонли баённомаси билан тасдиқланган «Юпқа эндометрийли аёлларда прегравидар тайёргарлик алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд шаҳар Соғлиқни сақлаш бўлими 1-сонли туғруқхона мажмуасининг 2025 йил 3 октябрдаги 64-сонли буйруқ билан, 3-сон Самарқанд шаҳар туғруқ мажмуасининг 2025 йил 3 сентябрдаги 82-буйруқ билан амалиётга киритилган. 1-сон Самарқанд шаҳар туғруқ мажмуасида амалга киритилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник кенгашнинг 2026-йил 5-мартдаги 04/07 сонли хулосаси):

биринчи илмий янгилик: “юпқа” эндометрий ривожланишининг энг муҳим клиник хавф омиллари ортиқча тана вазни, қалқонсимон без касалликлари, кеч менархе, кичик чанок аъзоларининг яллиғланиш касалликлари ва тухумдон кисталари эканлиги аниқланган ва ушбу фавф омиллари бўлган аёлларда репродуктив функция бузилишини олдиндан башорат қилиш имконини берган. Ижтимоий самарадорлик: “юпқа” эндометрий ривожланишининг энг муҳим хавф омилларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш ва олдина олиш имконини беради. Иқтисодий самарадорлик: юпқа эндометрийнинг асорати бўлган бепуштликни олдина олиш, беморларни текшириш ва даволланиш мақсадида қайта мурожаат қилишидан тежалган харажатлар 155000 сўмни ташкил этган.

иккинчи илмий янгилик: “Фемофлор-16” тест тизими ёрдамида “юпқа” эндометрийли аёлларда урогенитал тракт нормобиотаси ва дисбаланс мезонлари аниқланган бўлиб асосий гуруҳ аёлларининг 55,5%да ва назорат гуруҳ аёлларининг 7,5% да бактериял вагиноз қайд этилган ($p < 0,001$) ва бу ҳолат эндометрий ўсишига тўсқинлик қилувчи фактор деб ҳисобланиб, уни бартараф қилишга қаратилган терапия лозимлигини исботлаган. Ижтимоий самарадорлик: олинган натижалар “юпқа” эндометрийли аёлларда ташхис ва даволашни такомиллаштириш яллиғланишни бартараф этишни таъминлаш имконини берди. Иқтисодий самарадорлик: таклиф этилган “Фемофлор-16” тест тизими ёрдамида “юпқа” эндометрийли аёлларда урогенитал тракт нормобиотаси ва дисбаланс мезонларини аниқлаб комплекс ёндашувни қўллаш натижасида қайта-қайта самарасиз даволашлар сони камайиб, умумий даволаш харажатлари ўртача 25% га қисқартирилди ҳамда бир беморга нисбатан 750 225 сўм иқтисод қилинишига эришилди.

учинчи илмий янгилик: бачадон қон томирларини ультратовушли доплер хариталашда RI, PI ва S/D кўрсаткичлари ва бачадон эндометрий қаватининг қалинлиги ўртасида тескари корреляцион боғлиқлик аниқланган ($r = -0,52; -0,50; -0,53; p < 0,05$) ва бу кўрсаткичлар даволашдан олдин ва кейин динамикада ўрганилган ва комплекс прегравидар тайёрлашнинг самарадорлигини тасдиқлаган. Ижтимоий самарадорлик: даволаш самарадорлигини аниқлашда қўлланиладиган ултратовушли доплер хариталаш PRP-терапия ва магнитотерапияни комплекс қўллаш бачадон қон томирларидаги қон айланишини кучайтирганлигини асослаб берган. бу эса ўз навбатида даволаш муддатини қисқартирган магнитотерапия ва “юпқа” эндометрий ривожланишидаги яллиғланиш факторини эрта аниқлаб бартараф қилиш даволаш самарадорлигини ошириш имконини беради. Иқтисодий самарадорлик: PRP-терапия ва магнитотерапияни комплекс қўллаш бачадон қон томирларидаги қон айланишини кучайтирганлигини асослаб берган, бу эса ўз навбатида даволаш муддатини қисқартириб ва харажатларни тежаш имконини яратади.

тўртинчи илмий янгилик: оптималлаштирилган прегравидар тайёргарлик натижасида алгоритм ишлаб чиқилган ва ушбу алгоритмни қўллаш бачадон эндометрий қаватининг ўсишига, яллиғланишни бартараф қилишга, аёлларнинг репродуктив фаолиятини яхшиланишига олиб келган ва ва 55,6% аёлларда хомиладорлик юзага келган ва қўлланилган комплекс даво сарадорлиги асослаган. Ижтимоий самарадорлик: Оптималлаштирилган прегравидар тайёргарлик протоколинини амалиётга жорий этиш натижасида эндометрий ҳолатини эрта ва аниқ баҳолаш имкони пайдо бўлиб, сурункали эндометритни ўз вақтида бартараф этиш ҳамда репродуктив функцияни тиклашга эришилди. Бу эса бепуштлиқдан азият чекаётган аёлларда хомиладорликка эришиш кўрсаткичларини ошириб, уларнинг ҳаёт сифати ва психоэмоционал ҳолатини яхшилашга хизмат қилди. Иқтисодий самарадорлик: таклиф этилган алгоритмни қўллаш орқали касалликни эрта босқичда аниқлаш ва мақсадли даволаш имконияти туфайли қайта-қайта самарасиз даволаш курслари ва ЁРТ уринишлари сони камайди. Бу эса тиббий

харажатларни қисқартиришга, ресурслардан самарали фойдаланишга ва соғлиқни сақлаш тизимига тушадиган иқтисодий юкни камайтиришга олиб келди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда муҳокама қилинган, шулардан 2 таси халқаро, 2 таси республика миқёсидаги анжуманлардир.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш нашр этилган, шулардан 4 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган журнал мақолалари бўлиб, уларнинг 3 таси республика миқёсидаги, 1 таси эса хорижий нашрда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, яқунловчи қисм, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Матн қисмининг умумий ҳажми 115 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва амалиёт учун аҳамияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари баён этилган, объект ва предметнинг хусусиятлари ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар ҳақидаги маълумотлар ҳамда диссертациянинг тузилиши баён этилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**“Юпқа” эндометрийнинг этиологияси, патогенези ва уни фертилликка таъсири**» деб номланиб, унда хорижий ва маҳаллий адабиёт манбалари мисолида мавзуга оид маълумотлар таҳлили келтирилган. Бобда замонавий қарашлар таҳлили берилган бўлиб, патогенези, ташхислаш, сурункали эндометрит билан “юпқа” эндометрий ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, замонавий даволаш усуллари ва физиотерапевтик усулларни қўллашнинг аҳамиятига бағишланган. Адабиётлар шарҳи асосида ушбу муаммонинг ҳал этилмаган ёки аниқлаштиришни талаб этувчи жиҳатлари ҳам белгиланган. Боб таҳлил қилинган материални умумлаштирувчи хулосалар билан яқунланади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланиб, унда 22 ёшдан 39 ёшгача бўлган 115 нафар аёлни клиник ва лаборатор жиҳатдан текширишга асосланган тадқиқот материаллари ва усуллари баён этилган. Тадқиқотда иштирок этган аёллар куйидаги гуруҳларга бўлинди: 1-группа - “юпқа” эндометрийли ва комплекс даволаш олган беморлар (n=45); 2-группа - “юпқа” эндометрийли ва анъанавий, гормонал даволаш олган беморлар (n=30); 3-группа - репродуктив ёшдаги соғлом аёллар (n=40). Текширув ва даволаш ишлари 2023–2025 йиллар

давомида Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникасининг гинекология бўлимида амалга оширилган.

Текширувдан ўтказилган аёлларнинг ёши 22 дан 39 ёшгача бўлиб, ўртача ёши $27,6 \pm 1,6$ йилни ташкил этди. Тадқиқотга қўшилмаганлик мезонлари қуйидагилардан иборат эди: бачадоннинг ривожланиш аномалиялари, жинсий аъзолар эндометриози (III–IV даража), аутоиммун касалликлар, олдин эндометрий абляцияси ўтказилган ёки кичик чаноқ аъзолари нурланган ҳолатлар, эмизикли аёллар, тухумдон поликистоз синдроми, тухумдон фоолиятининг эрта етишмовчилиги, гиперпролактинемия, аутологик тромбоцитларга бой плазмани қўллашга қарши кўрсатма, гемоглобин даражасининг 100 г/л дан паст бўлиши ва тромбоцитлар миқдорининг 150×10^9 /л дан кам бўлиши.

Аниқланишича, “юпка” эндометрий ривожланишида соматик касалликлар частотаси муҳим роль ўйнаган. Анамнез маълумотларига кўра, менархенинг бошланиш вақти ҳам аҳамиятга эга бўлиб, кеч менархе ҳолати “юпка” эндометрийли аёлларда, айниқса асосий гуруҳ беморларида, кўпроқ қайд этилган. Шунингдек, анамнезда гинекологик касалликлар ва ўтказилган жарроҳлик амалиётлари мавжуд бўлиши ҳам аҳамиятли омил сифатида баҳоланган. Бундан ташқари, ҳайз циклининг бузилиши - гипоменструал синдром кўринишидаги ҳолатлар ҳам аҳамият касб этган. Барча аёлларда тананинг масса индекси (ТМИ) аниқланган. Клиник-статистик таҳлил анамнез маълумотлари ва касаллик кечиши хусусиятларига асосланиб, махсус ишлаб чиқилган кузатув карталари ёрдамида амалга оширилган. Карталарга умумий ва махсус текширув усуллари, УТТ-доплер хариталаш натижалари ва даволаш жараёнлари киритилган.

Бачадон томирларидаги гемодинамик кўрсаткичлар баҳолаш ҳайз циклининг иккинчи фазасининг ўрта қисмида, яъни имплантация ойнаси деб аталувчи даврда, даволашдан олдин ва кейин амалга оширилди. Допплерометрик текширув ўз ичига рангли доплер хариталаш (ЦДК, SMI режимида) ва спектрал доплерометрияни олди. Тадқиқот вақтида миометрий васкуляризация даражаси ва унинг симметрияси, шунингдек, бачадон томир тизимининг барча шохларининг (бачадон, аркуат, радиал, базал ва спирал артериялар) визуализацияси ҳамда текширилаётган томирларда систолик ва диастолик оқим қисмлари баҳоланди. Шу билан бирга, қон оқими тезликлари қиссавий чизикларининг бурчакка боғлиқ бўлмаган индекслари ҳисобланди: пульсацион индекси (PI), резистентлик индекси (RI), систоло-диастолик нисбат (S/D), максимал систолик тезлик (Ps) ва охириги диастолик тезлик (Ed). Ультратовушли текшируви Самарқанд давлат тиббиёт университети таълимдан кейинги таълим факультетининг тиббий радиология кафедрасида, кафедра ассистенти Аметова А.С. томонидан амалга оширилган.

Гистероскопия вена ичига анестезия қилинган ҳолда, Германияда ишлаб чиқарилган “Karl Storz” фирмасига тегишли 7 мм қаттиқ гистероскоп ёрдамида амалга оширилди. Гистероскопия текширувлари “INNOVA EXPERT” ва “Doctor D & U” хусусий тиббий марказларида акушер-гинеколог

шифокорлар Насимова З.С. ва Ибодова Ф.Х. томонидан бажарилган. ПЗР усулидаги “Фемофлор-16” тест тизими ёрдамида “юпқа” эндометрийли аёлларда урогенитал тракт нормобиотаси ва дисбаланс мезонлари ишлаб чиқилди. Тадқиқот учун материал сифатида киннинг орқа қаватидан ва бачадон бўйни канали эпителийдан олинган суртмалар ишлатилди. Жами 115 та бемор намунаси текширилди. ВТЛ аппарати орқали магнитотерапия ўтказиш усули қуйидагича бўлган: терапия дастури - М-0091. Магнит импульслар серияси қўлланилди, магнит майдони интенсивлиги қўлланилган аппликаторга мувофиқ белгиланди. Импульс шакли - тўғри бурчакли (узлуксиз) импульслар. Импульс параметрлари қуйидагича: 6 мс - пауза 15 мс, такрор 20 марта; 8 мс - пауза 20 мс, такрор 10 марта; 10 мс - пауза 30 мс, такрор 8 марта; 15 мс - пауза 35 мс, такрор 6 марта; 16 мс - пауза 50 мс, такрор 4 марта; 20 мс - пауза 80 мс. Вақт - 25 дақиқа. Сеанслар частотаси - камида кун орасида, яхшиси ҳар куни. Сеанслар сони - 4–5 марта. Контакт аппликаторнинг жойлашуви - қов ёки сакрал соҳада.

PRP ни қўллаш методикаси қуйидагича бўлган: 10 мл қон билан венасидан олиниб, центрифугалаш натижасида ўртача 3мл аутолог PRP олинган, уни хона ҳароратида 5 кунгача сақлаш мумкин бўлган. Барча бемор аёллар госпитализация, тиббий аралашув ва тадқиқотда ихтиёрий иштирок этиш тўғрисида хабардорлик асосида розилик хатини имзолаганлар. PRPни бачадон бўшлиғига киритиш амалиёти асептик шароитда, ультратовуш аппарати назорати остида амалга оширилган бўлиб, беморларга 3 мл тромбоцитларга бой плазма 2 та хайз циклининг 11-12, 13-14чи кунлари яъни 4 марта юборилди.

Олинган натижалар статистик дастурлар ёрдамида қайта ишланди. Миқдорий маълумотлар тақсимланиш хусусиятига қараб $M \pm SD$ ёки $Me [Q1; Q3]$, сифат кўрсаткичлари эса $n (\%)$ кўринишида тақдим этилди. Гуруҳларни таққослашда Стъюдентнинг t-мезони, Манн–Уитни U-мезони, Пирсоннинг χ^2 мезони ва Фишернинг аниқ мезони қўлланилди. Даволашдан олдинги ва кейинги натижалар жуфт t-мезон ёки Вилкоксон мезони ёрдамида баҳоланди. Корреляцион таҳлил Пирсон ёки Спирмен коэффициентлари асосида амалга оширилди. Статистик аҳамиятлилиқ мезони сифатида $p < 0,05$ қабул қилинди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўрганилаётган гуруҳлардаги беморларни текшириш натижалари”** деб номланиб, унда асосий гуруҳдаги 45 нафар, таққослаш гуруҳидаги 30 нафар ва назорат гуруҳидаги 40 нафар бемор аёлларнинг клиник ва морфологик текширув натижалари келтирилган. Гуруҳлар бўйича бемор аёлларнинг клиник ва анамнез кўрсаткичларига таққослама таҳлил ўтказилди. Анамнез маълумотларини таҳлил қилиш натижасида, асосий гуруҳдаги беморларнинг кўпчилиги - 27 (60%) ва таққослаш гуруҳидаги 19 (63,5%) аёлларда иккиламчи бепуштлик ҳолати қайд этилгани аниқланди.

Соматик патологияни ўрганиш жараёнида аниқланишича, асосий ва таққослаш гуруҳлардаги беморларнинг деярли 80%да сийдик чиқариш тизимининг сурункали яллиғланиш касалликлари билан хасталанган бўлиб, бу кўрсаткич назорат гуруҳидагидан (20%, $p < 0,001$) ишончли равишда юқори

эканлиги қайд этилди. Сийдик тизими яллиғланиш касалликларидан, айниқса сурункали цистит асосий гуруҳдаги беморларнинг деярли учдан бир қисмида - 16 (35,5%), ва таққослаш гуруҳида - 10 (33,3%) ҳолатда кузатилган. Асосий гуруҳдаги ҳар тўртинчи беморда ва таққослаш гуруҳидаги беморларнинг деярли ярмида - 20 (44,4%) ва 16 (53,3%) ҳолатда ортикча вазн ёки семизлик ҳолати аниқланган, назорат гуруҳида эса барча аёлларда тананинг вазн индекси (ТВИ) меъёрида бўлган. Қалқонсимон без касалликлари, жумладан диффуз зоб, асосий гуруҳдаги 12 (26,7%) ва таққослаш гуруҳидаги 7 (23,3%) беморларда аниқланган бўлиб, назорат гуруҳида фақат 2 нафар аёлда диффуз зоб қайд этилган ($p<0,05$).

Текширилган аёлларда ҳайз фаолияти шаклланиши атрофлича таҳлил қилинди. Кеч менархе (15–17 ёшда ҳайз бошланиши) ҳолати таққослаш гуруҳида - 8 (26,6%) ва асосий гуруҳда - 11 (24,4%) аёлларда кузатилган бўлиб, бу кўрсаткич назорат гуруҳидаги 1 (2,5%) ҳолатга нисбатан ишончли равишда юқори эканлиги аниқланди ($p<0,001$).

Гипоменструал цикл ҳолатлари ҳам асосий гуруҳда 30 (66,7 $\pm$ 7,0%), таққослаш гуруҳида 19 (63,3 $\pm$ 7,5%), ва назорат гуруҳида 1 (2,5 $\pm$ 2,5%) ҳолатда аниқланиб, бу фарқ ҳам статистик жиҳатдан ишончли деб топилди ($p<0,001$).

Анамнездаги гинекологик касалликларни ўрганиш (1-жадвал) натижалари шуни кўрсатдики, асосий ва таққослаш гуруҳидаги аёллар асосан кичик чанок аъзолари яллиғланиш касалликлари (КЧАЯК) ни кўрсатган бўлиб, улар мос равишда 25(55,6%) ва 15(50%)% ни ташкил этган. Назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич атиги 3(7,5%) бўлган. Эндометрий полиплари назорат гуруҳида аниқланмаган бўлса, асосий ва таққослаш гуруҳларидаги бемор аёлларнинг деярли учдан бири анамнезда эндометрий полиплари мавжудлигини қайд этган. Шунингдек, назорат гуруҳи билан таққослаганда тухумдон кисталари анамнезда асосий гуруҳда – 17,8% ва таққослаш гуруҳида – 16,7% ҳолатда қайд этилган бўлиб, назорат гуруҳида бу патология кузатилмаган.

1-жадвал

Текширилган аёлларда анамнезда учраган гинекологик касалликлар, n, %

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар			
	Асосий, n=45	Таққослаш, n=30	Назорат, n=40	p
Гинекологик патология				
КЧАЯК	25 (55,6%)	15 (50%)	3 (7,5%)	$p^1=0,646$ $p^2<0,001$ $p^3<0,001$
Бачадон бўйни патологияси	8 (17,8%)	5 (16,7%)	2 (5,0%)	$p^1=1,0$ $p^2=0,095$ $p^3=0,93$
Эндометрий полипи	13 (28,9%)	8 (26,7%)	-	$p^1=1,0$
Тухумдон кисталари	8 (17,8%)	5 (16,7%)	-	$p^1=1,0$

Изоҳ: p_1 - асосий ва таққослаш гуруҳлари, p_2 - асосий ва назорат гуруҳлари, p_3 - таққослаш ва назорат гуруҳлари ўртасидаги фарқ.

Тадқиқотга киритилган барча бемор аёлларда имплантация ойнаси даврида ультратовуш текшируви ўтказилди. Тадқиқот бошланиш вақтида лютеин фазанинг ўрта қисмида эндометрий қалинлиги асосий ва таққослаш гуруҳидаги барча беморларда 7 мм дан кам бўлган, ўртача кўрсаткичлар эса қуйидагича қайд этилди: асосий гуруҳда - $5,9 \pm 1,2$ мм, таққослаш гуруҳида - $5,3 \pm 1,5$ мм, назорат гуруҳида - $9,4 \pm 1,4$ мм.

Тадқиқотга киритиш босқичида барча гуруҳларда бачадоннинг терминал артерияларини визуализация қилиш частотаси соғлом аёллар кўрсаткичларига нисбатан камайгани аниқланди. Базал артерияларни визуализация қилиш частотаси 1-гуруҳда назорат гуруҳидаги аёлларга нисбатан 23,4% га паст ($p=0,03$), 2-гуруҳда эса 15,8% га паст ($p=0,07$) эканлиги қайд этилди. “Юпқа” эндометрийли барча беморларда, доплеромеретрик текширув маълумотларига кўра, ўнг ва чап бачадон артерияларида қон оқимининг тезлик хусусиятлари репродуктив ёшдаги аёллардаги меъёрий кўрсаткичлар билан таққослаганда ишончли даражада пасайгани аниқланган.

Гистероскоп ёрдамида биз бачадон бўшлиғини визуализация қилдик, сурункали яллиғланиш ва “юпқа” эндометрий белгиларини (масалан, микрополиплар, строманинг шишиши, ўчоқли гиперемия, қон қуйилишлар билан кечувчи атрофия) ҳамда эндометрий ўсишига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган тузилмавий муаммоларни (масалан, полиплар ёки қолдик тўқима) аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Бачадон бўшлиғи патологиясининг гистероскопик белгилари, n (%)

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар			P value
Гистероскоп белгилар	I гуруҳ, n=45	II гуруҳ, n=30	Гистероскопия қилинган беморлар сони, n=75	
Строма шиши	22 (48,9%)	14 (46,7%)	36 (48%)	$p=0,850$
Микрополиплар	13 (28,9%)	8 (26,7%)	21 (28%)	$p=0,834$
Ўчоқли гиперемия	9 (20%)	7 (23,3%)	16 (21,3%)	$p=0,730$
Қон қуйилиши ва атрофия белгилари	23 (51,1%)	15 (50,0%)	38 (50,6%)	$p=0,925$

Изоҳ: p_1 - асосий ва таққослаш гуруҳлари, p_2 - асосий ва назорат гуруҳлари, p_3 - таққослаш ва назорат гуруҳлари ўртасидаги фарқ

Шунингдек, гистероскопия усули орқали эндометрий полиплари аниқланган беморларга полипэктомия амалиёти бажарилган, бу жараён асосий гуруҳда - 13 ($28,9 \pm 6,7\%$) ва таққослаш гуруҳида - 8 ($26,7 \pm 8,0\%$) беморга тўғри келган. Шу йўл билан бачадон бўшлиғининг тузилмавий архитектураси тикланди.

Интерлейкин-6 даражасини аниқлаш АО «Вектор-Бест» (Россия) ишлаб чиқарган реактивлар тўплами ёрдамида, қаттиқ фазага асосланган иммунферментли таҳлил усули (ИФТ) бўйича умумий қабул қилинган методика асосида амалга оширилди. 3-жадвал маълумотларига кўра, “юпқа” эндометрийли беморларда интерлейкин-6 даражаси назорат гуруҳидаги аёлларга нисбатан 2,3 баробар юқори эканлиги аниқланди.

3-жадвал

Текширилган аёлларда интерлейкин-6 кўрсаткичлари, $M \pm m$

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар			p
	Асосий гуруҳ, n=45	Таққослаш гуруҳи, n=30	Назорат гуруҳи, n=40	
интерлейкин-6 кўрсаткичлари	21,7±2,4	20,0±0,66	9,4±1,5	p ¹ =0,50 p ² <0.001 p ³ <0.001

Изоҳ: p₁ - асосий ва таққослаш гуруҳлари, p₂ - асосий ва назорат гуруҳлари, p₃ - таққослаш ва назорат гуруҳлари ўртасидаги фарқ

Текширилган гуруҳларда қин биоценоз ҳолатини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, назорат гуруҳидаги деярли барча аёлларда (92,5%) нормоценоз кузатилган, ҳолбуки асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳларида нормоценоз ҳолатлари ишончли даражада камроқ - мос равишда 33,3% ва 33,3±5,6% бўлган (p<0,001). Асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳидаги ҳар иккинчи беморда бактериал вагиноз кузатилган (мос равишда 55,5% ва 50,0%да). Назорат гуруҳида вульвовагинал кандидоз ҳолатлари аниқланмаган, аммо асосий ва таққослаш гуруҳларида ҳар ўнинчи беморда вульвовагинал кандидоз қайд этилган (p<0,001). Қинда аниқланган микроорганизмларнинг тарқалиш частотаси шуни кўрсатдики, асосий ва таққослаш гуруҳларида асосан бир нечта микроорганизмлар бир вақтнинг ўзида учраган. Улар орасида В гуруҳи стрептококклар, Enterococcus faecalis ва стафилококклар аниқланган. Назорат гуруҳида эса асосан лактобациллар ва Gardnerella vaginalis аниқланган. Candida albicans назорат гуруҳидаги аёлларнинг қин суртмаларидан топилмаган, асосий ва таққослаш гуруҳларида эса у ҳар ўнинчи беморда аниқланган.

4-жадвал

Қин микроценози ҳолатига қараб интерлейкин-6 кўрсаткичлари, $M \pm m$

Микроценоз ҳолати	Асосий гуруҳ, n=45, ИЛ-6 (пг/мл)	Таққослаш гуруҳи, n=30, ИЛ-6 (пг/мл)	Назорат гуруҳи, n=40, ИЛ-6 (пг/мл)	p
Нормоценоз	16,6±1,5	17,3±2,6	9,4±1,5	p ¹ =0,816 p ² <0.001 p ³ =0,009
Носпецифик вульвовагинит	28,9±2,2	25,0±2,7	-	p ¹ =0,261
Вульвовагинал кандидоз	32,1±1,1	30,0±2,5	-	p ¹ =0,442
Бактериал вагиноз	37,9±1,3	30,0±2,5	10,6±4,6	p ¹ =0,005 p ² <0.001 p ³ <0.001

Изоҳ: p₁ - асосий ва таққослаш гуруҳлари, p₂ - асосий ва назорат гуруҳлари, p₃ - таққослаш ва назорат гуруҳлари ўртасидаги фарқ

Барча текширилган гуруҳлардаги ҳар учинчи беморда Mobiluncus турига мансуб микроорганизмлар аниқланган - мос равишда 32,5±7,4%, 33,1±7,6% ва 30,0±8,4%. Қин микроценози ҳолатига қараб интерлейкин-6 кўрсаткичлари (4-жадвал) таҳлили шуни кўрсатдики, патологик микроценозга эга бўлган

беморларда интерлейкин-6 даражаси нормоценозга эга беморларга нисбатан анча юқори бўлган.

Ўтказилган асосий ва таққослаш гуруҳларининг рандомизацияси натижасида, гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан ишончли фарқ мавжуд эмаслиги аниқланди, бу ўз навбатида оптималлаштирилган ҳомиладорликка тайёргарлик протоколи самарадорлигини исботлаш ва баҳолаш учун муҳим эди.

Диссертациянинг тўртинчи боби «“Юпқа” эндометрий кузатилган аёлларда прегравидар тайёргарликга комплекс ёндашув» деб номланиб, протоколнинг дастлабки босқичи 7 кунлик перорал доксициклин қабул қилиш курсидан бошланган. Носпецифик вульвовагинит аниқланган бемор аёлларга ($28,9 \pm 2,2\%$) кунига икки марта 100 мг дозада доксициклин тавсия этилган. Вульвовагинал кандидоз аниқланган бемор аёлларга ($31,1 \pm 1,1\%$) эса замбуруғга қарши препаратлар, жумладан 100 мг клотримазолли шамчалар кунига, бир марта 7 кун давомида тавсия этилган.

Бактериал вагиноз аниқланган бемор аёлларга кунига икки марта метронидозол 500мг 7 кун давомида тавсия этилган. Антибактериал даволашдан сўнг, барча беморларга микрофлорани тиклаш мақсадида пробиотиклар тавсия этилган. Эндометрий гипоплазияси муаммосини ҳал этиш мақсадида, протокол эндометрий пролиферациясини рағбатлантириш ва тўқимани имплантацияга тайёрлаш учун ишлаб чиқилган гормонал режимни ўз ичига олган. Перорал эстрадиол гистероскопиядан сўнг дарҳол кунига 2 мг дозада 21 кун давомида қабул қилинган бўлиб, у пролифератив фаза давомида безлар ва строма ўсишини рағбатлантириш мақсадида қўлланилди. Эстрадиол курсининг сўнги, 10 кунига 200 мг дозада прогестин қўлланилган, бу эса секретор фазанинг қўллаб-қувватланишини таъминлаб берган.

PRP-терапия, яъни тромбоцитларга бой қон плазмаси билан даволаш, хужайраларнинг ўз-ўзини қайта тиклаш қобилятини оширишга қаратилган инновацион усул ҳисобланади. Бемор гинекологик креслода жойлаштирилган ҳолда, махсус силикон катетер ёрдамида бачадон бўшлиғига тромбоцитар масса икки марта ва икки курсда- ҳайз циклининг 11–12 ва 13–14 кунларида киритилган. Ушбу усул “юпқа” эндометрийли 45 нафар бемор аёлда қўлланилган. PRP-терапиядан олдин асосий гуруҳ беморларига физиотерапия BTL аппарати (М-0091 дастури) орқали ўтказилган бўлиб, магнит импульслар серияси ва тўғри бурчакли импульс шакли қўлланилган. Бир сеанс - 25 дақиқа давом этган, сеанслар сони - 5 марта, контакт аппликаторлар қов устига ва сакрал (крестцовая) соҳаларда жойлаштирилган. Агар динамикада УЗ хариталаш натижаларига кўра пульс индекси пасайиши кузатилмаса ва томирлар визуализацияси 100 % бўлмаса магнитотерапияни иккинчи курси буюрилди ва бажарилди. Даволаш икки курсда амалга оширилган, биринчи курс: инфекцияни бартараф этиш ва яллиғланишни камайтириш мақсадида доксициклин (100 мг кунига икки марта), клиндамицин ва клотримазол қин биоценози ҳолатига қараб тавсия этилган. Эстрадиол (кунига 2 мг, 21 кун) эндометрий пролиферациясини стимуллаш учун берилган, шундан сўнг гестоген (кунига 200 мг, эстрадиол ичаётган оҳирги 10 кун) секретор трансформацияни қўллаб-қувватлаш учун қўлланилган. Ҳайз циклининг 11–

